

## Атроф муҳит поклиги

05:00 / 06.03.2017 2980

Исломда инсоннинг вужуди, кийими ва унга хос нарсалар поклиги билан бирга, унинг атрофидаги барча нарсалар ҳам пок бўлишига катта аҳамият берилган. Турар жой, кўча-кўй, майдонлар, ишхоналар, таълим муассасалари, масжидлар, нақлиёт воситалари, дам олиш жойлари, ҳамма-ҳаммаси пок бўлиши талаб қилинган.

*Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Поклик иймоннинг ярмидир», дедилар».**

*Муслим, Насайй ва Термизий ривоят қилганлар.*

Поклик иймоннинг ярми, дейилиши бежизга эмас. Бу ҳадис иймонсиз ибодат асло қабул қилинмаслиги ва барча савоби беҳуда кетиши эътиборидан келиб чиқиб айтилган ва поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилган.

Исломда иймоннинг аҳамияти ва қадр-қиммати қанчалик юқори эканини яхши биламиз. Поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилганидан ҳам Ислом дини озодалик, поклик ва тозалikka қанчалар эътибор берганини билиб олса бўлаверади.

*Омир ибн Саъддан, у отасидан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, Аллоҳ хушҳолдир - хушҳолликни суяди, озодадир - озодаликни суяди, карамлидир - карамни суяди, сахийдир - сахийликни суяди. Бас, ҳовлиларингизни озода тутинг! Яҳудийларга ўхшаманг!» дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Албатта, Аллоҳ хушҳолдир - хушҳолликни суяди»**, деганлари «Эй умматим, сизлар ҳам хушҳол бўлинглар» деганларидир. Шунингдек, Аллоҳ таоло **«озодадир -**

**озодаликни суяди».** Бинобарин, мусулмон киши доимо озода бўлмоғи даркор.

**«Бас, ҳовлиларингизни озода тутинг! Яҳудийларга ўхшаманг!»**

Ҳовли-жойларимиз, кўча-кўйларимиз, турар жой ва майдонларимиз, ҳамма жойимизни озода тутишимиз лозим. Токи кўрган одам ҳавас қилсин. Бошқалар озода жойни кўрса, бу жой мусулмонларнинг жойи экан, дейдиган бўлсин.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шуъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш ва энг кичиги - йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш».**

*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилганлар.*

Мусулмонларнинг озор берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлашини иймон шуъбаси даражасига кўтарган Ислом дини уларни атроф муҳитдаги барча нарсаларни пок тутишга, бунинг учун зарур бўлган барча чораларни кўришга ҳам чақирган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ижтимоий одоблар китобидан)